

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Тар.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЯРОВ УКТАМ ЖУРАКУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ВА ИЖТИМОЙ
ТАРКИБИ (1925-1991 ЙЙ.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

тарих фанлари соҳасида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Худаяров Уктам Журакулович

Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркиби (1925-1991 йй.)... 5-24

Худаяров Уктам Журакулович

Национальный и социальный состав населения Узбекистана (1925-1991 гг.)

.....25-46

Khudayarov Uktam Jurakulovich

National and social structure of the population of Uzbekistan (1925-1991

yy.)..... 47-50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51-5

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Тар.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЯРОВ УКТАМ ЖУРАКУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ВА ИЖТИМОИЙ
ТАРКИБИ (1925-1991 ЙЙ)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**тарих фанлари соҳасида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Tar550 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://www.samdu.uz/>) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиев Фарход Хамидович
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ражабов Қаҳрамон Кенжаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети DSc 30/03.12.2019Тар.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат __даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).Тел.: (99871) 236-46-55, факс: (99871) 246-02-04).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____даги _____ – рақамли реестр баённомаси)

А.А. Маврулов

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ж. Ураков

илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н.,доц

Г.А.Агзамова

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги глобаллашув жараёнларида дунёдаги мамлакатларнинг аксарияти кўпмиллатли, кўп маданиятли характерга эга бўлиб бормоқда. Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлатнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатлардаги турли муаммоларни ҳал этиш қобилиятига боғлиқдир. Кейинги вақтларда, дунёдаги айрим ҳудудларда диний ва этник можаролар, шу жумладан, миллатлараро низолар кучаяётган бир шароитда, бу муаммо айниқса муҳим ўринга чиқиб боряпти. Ҳозирда БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ана шу масалаларни бартараф қилиш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда.

Жаҳон тарихи контекстида собиқ совет иттифоқи давлатлари тарихи муҳим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда дунёнинг кўпгина илмий марказларида советларнинг иттифоқдош республикаларда “ягона совет халқи” ни яратишга қаратилган амалиётлари, шунингдек, миллий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш борасида йўл кўйган хато ва камчиликларини ўрганишга бағишланган қатор илмий лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам бу борада самарали ишлар амалга оширилди аммо, бу ишлар кўлами ва қамрови жиҳатдан мавзу аҳамиятини тўлиқ очиб бера олмайди шунинг учун ҳам уни ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик руҳи билан ажралиб турадиган Ўзбекистон ва унинг ниҳоятда бой тарихий мероси, маданияти ва санъати дунё аҳлининг доимий қизиқишини уйғотиб, кенг жамоатчиликни ўзига жалб қилиб келмоқда. Истиклол йилларида Ўзбекистонда тарих фани ривожланиши янги босқичга кўтарилиб, тадқиқотлар кўлами кенгайди, жумладан, собиқ совет даври тарихи бўйича янги изланишлар олиб борилди. Шу ўринда, 1925-1991 йилларда совет ҳукумати томонидан амалга оширилган миллий сиёсатнинг Ўзбекистондаги ҳолати, шунингдек ижтимоий сиёсат ва унинг аҳоли таркибига кўрсатган таъсирини аниқ ва изчил маълумотларга таянган ҳолда таҳлил этиш, совет ҳокимияти йилларида юртимиз аҳолисининг турмуш-тарзи, ижтимоий ҳаётда юзага келган муаммоларни ўрганиш диссертациянинг Ўзбекистон тарихи фани соҳасидаги заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 19 майдаги 5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони, 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5655-сон фармони ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси Совет даврида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига бағишланган бир қатор изланишлар амалга оширилган. Бироқ 1925-1991 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибида рўй берган ўзгаришлар, муаммолар ва уларнинг оқибати масалаларига қаратилган тадқиқот амалга оширилмаган. Бир қатор тарихшунослик ишларида Ўзбекистонга оид миллий ва ижтимоий масалалар фақат муайян соҳа ва йўналишлар билан боғлиқ ҳолда ёритилган¹. Ушбу тарихшунослик ишларининг яратилган даври, назарий-методологик ёндошувлари таҳлили диссертациянинг алоҳида бобида баён этилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетида амалга оширилаётган АТД-1 «Ўзбекистон давлатчилик тарихи: муносабатлар ва қарашлар» (2016-2020 йиллар) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

¹Классовый и профессиональный состав городского населения ТАССР в 1923 г. – Т., 1924.- С.142; Варейкис И., Зеленский И. Национально-государственное размежевание Средней Азии. – Т., 1924.-С.70; Рискулов Т. Революция и коренное население Туркестана. – Т., 1926.-С.72; Струмилин С.Г. Очерки советской экономики. Ресурсы и перспективы. – М.-Л., 1930.-С.544; Струмилин С.Г. Статистико-экономические очерки. – М., 1958.-С.738; История Узбекской ССР. Т.I – Т., 1956.-С.347; Вахабов М.Г. Формирование узбекской социалистической нации.–Т.,1961.-С.588; Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября.-Т., 1973.-С.738; Арифханова З.Х., Чебатарева В.Г. Решение национального вопроса в Узбекистане. – Т.,1979.-С.267; Блиндер И.Б., Таджимурадов М.И. Региональные факторы и проблемы ускорения социально-экономического развития союзной республики (на материале УзССР) – Т.: Фан, 1989.; Исхаков Ф. Прошлое глазами историка.–Т.:Ўзбекистон, 1990.-С.176; Мулладжанов И. Население УзССР.–Т.: Узбекистан, 1989.-С.190; Бердыева Г.А. Демографические и социальные проблемы (Национальный состав населения Узбекистана). – Бухара, 1992; Бобожонова Д. Аҳолини иш билан таъминлаш ва миллий ишчи кадрлар тайёрлаш муаммолари. – Т., 1995; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 1998; Ата-Мирзаев О, Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Т.: Университет, 2002.-С.323; Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий таъйиқ оқибатлари. 1917-1990 йиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.-С.688; Хасанов Б.В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917 – начала 50-х годов. – Т.: Академия МВД РУз, 2000.-С.; Германов В.А. Истории Туркестана в условиях политического террора 20-30-х годов. – Т.: Узбекистан, 2000.-С.; Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.-С.32; Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 й.) – Т.: Университет, 2002.-С.168; Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. – Т.: Маънавият, 2002.-С.; Репрессия. 1937-1938. Документы и материалы. Сост.: Р.Шамусдинов, Н.Каримов, Э.Юсупов. – Тошкент: Шарк, 2006.-С.; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. – Т.: Университет, 2004.-С.177; Махкамова Н.Р. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX в. – 30-е годы XX в.). – Ташкент: Aloqachi, 2009. –С. 236 .

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон аҳолисининг 1925–1991 йиллардаги миллий ва ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг оқибатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Совет даврида Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибига оид манбашунослик таҳлили ва тарихшунослик муаммосини таҳлил қилиш;

1926 ва 1939 йиллардаги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш натижалари асосида амалга оширилган миллий сиёсат моҳияти ва аҳоли таркибини аниқлаш;

1925-1950 йилларда амалга оширилган ижтимоий сиёсатнинг Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий таркиби ўзгаришига таъсири ва оқибатини очиб бериш;

Иккинчи жаҳон урушининг Ўзбекистон аҳолисининг сони ва демографик ҳолатига таъсирини кўрсатиб бериш;

1950-80 йиллар Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатларида Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш;

1970-80 йилларида Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳаётида юзага келган муаммоларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон аҳолисининг 1925-1991 йиллардаги миллий ва ижтимоий таркиби масаласи тарихини таҳлил этиш белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини мустабид совет даврида Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар, муаммолар ва оқибатлари масаласи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, ҳолислик, тизимли ва қиёсий таҳлил, шунингдек, ижтимоийлик тамойили сингари ёндашув ҳамда усулларга таянилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудида аҳоли миллий таркибини ўсишига бир томондан 1920-йиллар бошларида Россияда бошланган оммавий очарчиликнинг таъсири натижасида аҳолининг Ўзбекистонга кўплаб кириб келиши, иккинчи томондан айрим этник гуруҳларнинг алоҳида миллат сифатида кўрсатилиб, миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида аҳоли таркибидаги миллатлар миқдорининг ортиши сабаб бўлганлиги аниқланган;

1926, 1939 йилларда аҳолини рўйхатга олиш жараёни Ўзбекистонда миллий масалага оид совет назарияси ва амалиёти натижасида, миллий таркибидаги ўзгаришлар, дастлаб маҳаллийлаштириш, сўнгра “ягона совет халқи”ни шакллантиришга қаратилган сиёсат билан биргаликда амалга оширилганлиги аниқланиб, мазкур ҳолат кам сонли халқларни бирлаштириб юбориш, этник хусусиятларни зўрлик билан йўқотиш билан амалга оширилганлиги аниқланган;

1950 йиллар ўрталаридан республиканинг Сирдарё, Жиззах ва Қарши ҳудудларидаги янги ерларни ўзлаштирилиши жарёнида аҳолининг мажбуран

кўчириб келтирилиши баробарида яшаш учун зарурий инфратузилманинг эътиборга олинмаслиги мавжуд ҳудудларда кейинчалик ижтимоий ҳаётни кескинлашишига олиб келганлиги очиб берилган;

XX асрнинг 60-90-йилларида Ўзбекистон ССРнинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сонининг ўсиши бевосита ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилган сиёсат (саноатлаштириш, шаҳарсозлик ва б.) билан боғлиқ бўлиб, мазкур ҳолат ижтимоий ҳаётда қатор муаммоларни (соғлиқни сақлаш, ишсизлик, ночорлик ва б.) юзага келтирганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Диссертацияда совет даври Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибида юз берган ўзгаришлар очиб берилган, мазкур материаллардан тарих фанида кенг фойдаланиш ёшлар орасида халқпарварлик, бағрикенглик фазилатларини ривожлантиришга хизмат қилади;

Совет даврида Ўзбекистон халқининг миллатлараро ҳамжиҳатлик ва тотувлик муносабатлари кўрсатиб берилган бўлиб, бу таълим жараёнида махсус курс материлларини бойитишга хизмат қилади;

Ўзбекистоннинг совет тузуми даврида аҳоли миллий ва ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар, муаммолар тарихига оид амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон аҳолисининг совет давридаги миллий ва ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар тарихини тадқиқ этишда архив ҳужжатлари, расмий ва статистик нашрлар сингари илмий муомалага киритилмаган манбаларга асосланган. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар республика ва хориж илмий нашрлари, конференцияларида кенг муҳокама қилинганлиги, амалий натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, давлатчилик тарихида 1925-1991 йиллар Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар, муаммоларга оид маълумотлар, хулосалар советлар даврига оид назарий ва методологик ёндошувларни мукамаллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти давлатчилик тарихи, демография, статистик тадқиқотлар учун амалий тажриба вазифасини ўтайди. Таълим муассасаларида тадқиқотга доир махсус курслар ташкил этиш, илмий-амалий лойиҳаларнинг бажарилиши ҳамда таълим жараёнида дарслик, қўлланмаларни янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Совет даврида Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар тарихи бўйича олинган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

1925-1991 йиллар Ўзбекистонда миллий масалага оид совет назарияси ва амалиётининг аҳоли миллий таркибидаги ўзгаришларга таъсири ва унинг

оқибатлари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейининг ўлкашунослик ва этнография бўлимлари экспозицияларини янги манбалар билан тўлдиришда фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 01-11-10-6262-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари 1925–1991 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг динамикаси, этник таркиби, демографик жараёнларни ёритиб беришга хизмат қилган;

1925-1991 йилларда амалга оширилган ижтимоий сиёсатнинг натижасида Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий таркибида юз берган ўзгаришлар ва оқибатларига оид материаллардан Самарқанд СТВ телерадиоканалида тайёрланган «Мустабид совет тузуми даврида Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркиби» туркум кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциациясининг 2018 йил 19 январдаги I/27-сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг илмий хулосалари совет даври синфийлик сиёсатининг моҳияти, унинг жамият ижтимоий тузилмаси ўзгаришига кўрсатган таъсирини очиқ беришга хизмат қилган.

Ўзбекистон ССРда аҳолининг турли этник гуруҳлари ўртасида миллий ва ижтимоий муносабатлар ҳамда ижтимоий ҳаётда юзага келган муаммолар ҳақидаги хулосалар Республика Маънавият ва маданият маркази Самарқанд вилояти бўлими фаолиятида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маданият марказининг 2019 йил 19 августдаги 02/09-1113-19 - сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар Ўзбекистонда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва тотувлик муносабатлари ҳамда ижтимоий ҳаёт муаммоларини кенг жамоатчиликка тарғиб қилишга асос бўлган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий конференцияларда шундан, 6 таси республика ва 3 та хорижий илмий-амалий конференцияларида (Россия, Канада, Ўзбекистон) апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, 11 та конференция материаллари ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 131 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб “Совет даврида Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркиби тарихининг манбашунослиги ва тарихшунослиги” деб номланиб, бунда совет даврида Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибига оид манбашунослик ва тарихшунослик муаммолари таҳлил қилинган. Совет даврида Ўзбекистон ССР аҳолиси тарихини ёритган манбалар кенг қамровли бўлиб, уларни мазмуни ва хусусиятига кўра икки гуруҳга ажратилди: 1. Архив материаллари. 2. Статистик нашрлар.

Биринчи гуруҳга мансуб архив материллари асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (кейинги ўринларда ЎЗР МДА), Самарқанд вилоят давлат архивида (кейинги ўринларда Сам ВДА) сақланаётган ҳужжатлардан ташкил топган. Бугунги кунда Марказий давлат архивида совет даврида ўтказилган аҳоли рўйхатлари натижалари, хусусан, 1926, 1939, 1959, 1970 йилларда республика вилоятлари, туман ва шаҳарлари, шаҳар типдаги посёлкалар аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркиби, аҳоли сони, демографик гуруҳларга оид маълумотлар, статистика асосан, Р1619-фонд, 837-фонд ва бошқа фондларда жамланган йиғма жилдларда ўз ифодасини топади.

Айниқса, Р1619-фонднинг 5, 11-рўйхатлари 1926-1970 йиллар оралиғида ўтказилган аҳоли рўйхатлари натижалари эълон қилинганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. 1939 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатида тўпланган маълумотлар билан 1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатлари маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида, совет миллий сиёсати ва амалиётининг республика аҳолисининг шу даврдаги миллий ва ижтимоий таркибидаги ўзгаришларга объектив аниқлик киритди. Жумладан, 20-30-йиллардаги миллий сиёсат натижасида, аҳоли таркибини дастлаб маҳаллийлаштириш, сўнгра “ягона совет халқи”ни шакллантиришга қаратилганлигини кўрсатади.

Марказий давлат архивининг 837-фонди ишлари таҳлили эса, 1926 йилги аҳоли рўйхати бўйича илмий адабиётларда жуда кам учрайдиган маълумотларни қўлга киритишга имкон берди. 1939, 1959, 1970 йилларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олишнинг натижалари тўғрисида Марказий давлат архивининг Р1619-фонди йиғма жилдлари ҳамда Самарқанд вилоят давлат архивининг 1515, 1646-фондлари ҳужжатларида яхши ёритилган.

Ушбу фондлар шунингдек, республика аҳолисининг ижтимоий ҳаётига тааалукли масалаларга ойдинлик киритади.

1979 ва 1989 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатлари бўйича жамланган маълумотлар Марказий давлат архивида ҳам жижҳатдан кам бўлганлиги боис, шу даврдаги Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибига оид масалаларни тўлдириш учун ЎЗР Давлат Статистика Қўмитаси (кейинги ўринларда ЎЗР ДСК) маълумотларидан фойдаланилди.

Иккинчи гуруҳни ташкил этган манбалар туркуми асосан ЎЗР ДС қўмитаси нашрлари ва бошқа статистик тўпламлар²ни ўз ичига олади. Ушбу манбалар 1925-1991 йилларга оид нафақат аҳолининг таркиби, балки Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир муаммолар тўғрисида қизиқарли маълумотлар беради.

Тадқиқотнинг тарихшунослиги бўйича олиб борилган изланишларни мазмуни, ёндошуви ва яратилган даврига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1. Совет даври тадқиқотлари. 2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олиб борилган изланишлар. 3. МДХ ва хориж тадқиқотлари.

Биринчи гуруҳга совет даврида чоп этилган илмий адабиётлар, рисоалар ва тадқиқот ишлари киради. Бу изланишлар И. Варейкис, И. Зеленский, П. Кушнер, М. Ваҳобов, А. Алимов, М. Мусаев, О. Умурзоқова, Х. Сулаймонов, Ш. Ульмасбаев, С. Слива, И. Муллажонов, Э. Россит, С. Муллажанова, Х. Турсунов, К. Фазылходжаев, Г. Асонов, Д. Алламуродова, А. Нуруллаев, Ш. Рашидов, А. Ковальчук, А. Таксанов, З. Арифханова, О. Ата-Мирзаев, Р. Аминова, М. Алиев, А. Мирзабаев, М. Ахунова, К. Акилов³ ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган.

²Всесоюзная перепись населения 1926 года. Том XV; 3-й выпуск // Узбекская ССР народност, родной язык, возраст, грамотность – М.: Изд. ЦСУ, 1927/1928.-С.202; Всесоюзная перепись населения 1926 года. Том XXXII. // Уз ССР. Занятия. - М.: Изд. ЦСУ, 1929.-С.202; Узбекистан за 40 лет советской власти // Статистический сборник. -Т.: Узбекистан, 1958.-С.135; Узбекистан за 40 лет советской власти // Статистический сборник. -Т.: Узбекистан, 1964; Узбекистан за годы восьмой пятилетки (1966-1970 гг.). // Краткий статистический сборник. – Т.: ЦК КП Узбекистана, 1971.-С.81; Итоги переписи населения СССР. – М.: Статистика, 1974.-С.176; Число детей в семье. - М.: Статистика, 1975.-С.176; Узбекская ССР. Цифры // Краткий статистический сборник. - Т., 1984; Узбекская ССР в цифрах в 1986 году // Краткий статистический сборник. - Т., 1987.-С.; Узбекская ССР в цифрах в 1988 году // Краткий статистический сборник. - Т., 1989.-С.; Демографический ежегодник СССР 1990. - М.: Финансы и статистика, 1990; 1989 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати. - Т.: Ўзбекистон, 1988.-Б.85; Народной хозяйство Узбекской ССР в 1971.-С.253; Народной хозяйство Узбекской ССР в 1982 г.-С.312.

³ Варейкис И., Зеленский И. Национально-государственное размежевание Средней Азии. - Т., 1924.-С.70; Кушнер П. Этнический территория и этнические границы. //Тр.Инта этнографии АНССР (Новая серия) Т.15. - М., 1951.-С.285; Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. - Т.: Ўзбекистон, 1960.-Б.; Ваҳобов М. Формирование узбекской социалистической нации. - Т., 1961.-С.588; Алимов А. Узбекская ССР: рассказ о семилетки. М.: Профтехиздат, 1960.-С.102; Мусаев М. Ўзбекистон ССР (қисқача тарихий-иқтисодий очерк). -Т.: Ўзбекистон ССР, 1960.-Б.222; Умурзоқова О. Қардош социалистик миллатларнинг улғ оиласида.Ўзбекистон ССР “Билим” жамияти. - Т., 1964.-С.; Сулаймонов Х. Ривожланган социализм даврида Ўзбекистон колхозчи дехқонлари моддий фаровонлигининг юксалиши. - Т.: Фан, 1965.-Б.; Муллажонов И. Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. - Т.: Ўзбекистон КПМК, 1967.-Б.; Мулладжанов И., Вороновский Ю., Ципковская Т. Население Узбекской ССР. - Т.:Узбекистан, 1973.-С.; Мулладжанов И. Население УзССР. - Т.: Узбекистан, 1989.-С.190; Эдвард Россит. Процесс старения населения демографической исследование. - М.: Статистика, 1968.-С.; Асонов Г. Дунё аҳолиси. - Т.: Фан, 1969.-Б.60; Ульмасов А. Бекнозов Н. Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигининг ўсиши. - Т.: Фан, 1974.-Б.; Нуруллаев А. Сельскохозяйственный отряд рабочего класса Узбекистана в период строительства социализма (1924-

Таъкидлаш жоиз, совет даври ҳукмрон мафкуриси таъсирида яратилган мазкур изланишларда миллий ва ижтимоий сиёсат масаласига бир томонлама қарашлар, ёндошувлар асосида баҳо бериш кузатилади. Мисол учун, шулар орасида “коммунистик партия ва совет давлатининг қолоқ миллатларни илғорлар даражасига етиб олишдаги ўрни”, “миллий республикаларни тубдан ўзгартириб юборган социалистик индустриалаштиришнинг роли”⁴ ёки бўлмаса “ишчи кадрларни тайёрлашда коммунистик партиянинг ўрни”, “социалистик қурилиш йўлининг аҳамияти”⁵ мазмунига қаратилган ишлар билан биргаликда, миллий сиёсатнинг ижобий ва салбий омиллари, аҳоли динамикаси ва демографик кўрсаткичлари манбалар асосида таҳлил қилган ишлар⁶ ҳам учрайди.

Қисқача хулоса қилиб айтганда, биринчи гуруҳга мансуб тадқиқотлар совет даври мафкуриси асосида миллий масалада социализм тузумини, ижтимоий сиёсатда эса синфийлик ёндошувини маъқуллаган назарий ва методологик қарашларни ифодалайди. Шу билан бирга, бу ишларнинг баъзиларида танланган муаммо айрим соҳаларга боғлиқ тарзда у ёки бу жиҳатдан ёритилган.

Иккинчи гуруҳни мустақиллик йилларида олиб борилган илмий изланишлар ташкил этади. Истиқлол даврида тарих фанини ривожлантириш янги босқичга кўтарилиб янги назарий-методологик ёндошувларга асосланган ишлар яратилди. Хусусан, мустақил совет даврида Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарихига бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар Д. Алимова, А. Голованов, В. Германов, Қ. Ражабов, М. Ҳайдаров, Э. Ахмедов, Р. Шамсутдинов, Н. Каримов, Э. Юсупов, О. Ата-Мирзаев, В. Гентшке, Р. Муртазаева, А. Салиев, Б. Хасанов, Д. Бобожонова, М. Буриева, Х. Зиёев, Д. Зиёева, Н. Махкамова, Х. Юнусова⁷ ва бошқа тарихчи олимлар томонидан олиб борилди.

1941гг.) - Т.: Фан, 1976.-С.195; Арифханова З., Чеботарева В. Решение национального вопроса в Узбекистане. - Т.: Узбекистан, 1979; Ата-Мирзаев О.Б, Региональное прогнозирование расселения и управление процессом урбанизации. - Т.: Фан, 1979.-С.; Аминова Р. Колхозное крестьянство Узбекистана на пути к развитому социализму. - Т.: Узбекистан, 1983.-С.363; Ахунова М., Акилов К, Тетенева Л. Рабочий класс Узбекистана в условиях научно-технической революции. - Т.: Фан, 1984.-С.184; Баракаев Х. Қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини тенглаштириш омиллари. Т.: Мехнат, 1987.-С.; Волков А.Г. 1989 йилги Бутуниттифок аҳоли рўйхати. Т.: Мехнат, 1988.-Б.83; Муляджанов И. Демографической разветий Узбекской ССР. - Т.: Узбекистан, 1983.-С..

⁴ Мусаев М. Ўзбекистон ССР (Қисқача тарихий-иқтисодий очерк). –Т.: Ўзбекистон, 1960. – Б.83.

⁵ Узбекская ССР. Государственное издательство географической литературы. – М., 1958. – С.5.

⁶ Арифханова З., Чеботарева В. Решение национального вопроса в Узбекистане. - Т.: Узбекистан, 1979; Ата-Мирзаев О.Б, Региональное прогнозирование расселения и управление процессом урбанизации. - Т.: Фан, 1979; Аминова Р. Колхозное крестьянство Узбекистана на пути к развитому социализму. - Т.: Узбекистан, 1983; Муляджанов И. Демографическое развитие Узбекской ССР. - Т.: Узбекистан, 1983.

⁷ Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустақил совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий таъйик оқибатлари. 1917-1990 йиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000; Германов В.А. Истории Туркестана в условиях политического террора 20-30-х годов. – Т.: Узбекистан, 2000; Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар. – Т.: Ўзбекистон, 2000; Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 й.) – Т.: Университет, 2002; Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. – Т.: Маънавият, 2002; Репрессия. 1937-1938. Документы и материалы. Составители: Р. Шамсутдинов, Н. Каримов, Э. Юсупов. – Тошкент: Шарқ, 2006; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный:

Бу тадқиқотлар орасида Ўзбекистонда мустабид совет тузуми даврида олиб борилган миллий, ижтимоий ва иқтисодий сиёсат оқибатларига қаратилган: қатағонлик сиёсати, қулоқлаштириш ва жамоалаштириш оқибатлари, депортация масаласи, миллатлараро муносабатлар таҳлиллар амалга оширилган. Юқорида фақат айрим ишларга тўхталиб ўтдик холос, бироқ тарихчилар томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадқиқ этилган ишлар қўйилган муаммо учун назарий-методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тўртинчи гуруҳни МДХ ва хорижда олиб борилган замонавий тадқиқотлар ташкил этади. Булар орасида совет даврида миллий-диний муносабатлар, кўпмиллатли совет империясининг янги ва анъанавий жиҳатлари, хусусан, “олтин” 20-йилларда маданий ҳуқуқларга эришган камсонли этник гуруҳлар ҳолати, сўнгра 30-йиллар охирида миллий сиёсатга муносабатнинг ўзгариши⁸, сингари масалаларни таҳлил қилган ишлар муҳим ўрин тутди. Бироқ, қайд этиб ўтиш лозимки, юқорида келтириб ўтилган ишларда Ўзбекистон ССР аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркиби муаммолари тўлиқ кўрсатилмаган ва қисман тарзда бошқа соҳалар билан боғлиқ ҳолда ёритилган.

Иккинчи боб “1925-1950 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркиби” деб номланади. Ушбу бобда 1926-1939 йилларда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш натижалари, миллий-мафкуравий сиёсат билан боғлиқ Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркиби, Иккинчи жаҳон урушининг Ўзбекистон аҳолиси сони ва демографик ҳолатига таъсири масалалари ёритилган.

Ўзбекистон ҳудудида аҳоли миллий таркибини ошишига сабаб бўлган омиллар қаторида, 20-йиллар бошларида Россияда бошланган оммавий очарчиликнинг таъсири натижасида аҳолининг Ўзбекистонга кўплаб кириб келиши, миллий-худудий чегараланиш натижасида аҳоли сонигаги ўзгаришлар ва бошқа ижтимоий-иқтисодий омилларни кўрсатиш мумкин.

историко-демографический аспект. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 1998; Ата-Мирзаев О, Гентшке В, Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Т., Университет, 2002; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. – Т.: Университет, 2004; Хасанов Б.В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917 – начала 50-х годов. – Т.: Академия МВД РУз, 2000; Бобожонова Д. Аҳолини иш билан таъминлаш ва миллий ишчи кадрлар тайёрлаш муаммолари. - Т.: Фан, 1995; Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. - Т.: Фан. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. - Т.: Шарқ, 1999; Бўриева М. Ўзбекистонда оила демографияси. - Т.: Университет, 1997; Максакова Л.П. Миграция населения Узбекистана. - Т.: Узбекистан, 1986; ўша муаллиф. Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. - Т.: Эльдинур, 2000; Зиёев Х. Ўзбекистон биринчи ва иккинчи жаҳон уруши даврида. - Т.: Мухаррир, 2011; Зиёев Х. Ўзбекистоннинг Россия билан иқтисодий алоқаларини ўрнатилиши ва ривожланиш тарихи. 2-жилд. - Т.: Янги аср авлоди, 2013; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). 1-китоб. 1917-1939 йиллар. - Т.: Ўзбекистон, 2019; Ўзбекистон тарихи. 2-китоб 1939-1991 йиллар. - Т.: Ўзбекистон, 2019.

⁸ Капшелер А. Россия – многонациональная империя. Пер. с нем. С. Червоная. – М., 2000. – 344 с; Россия – Средняя Азия: Политика и ислам в начале XX – начале XXI вв. – М.: ЛЕНАНД, 2010. – 460 с.; Кн.2. 2010. – 368 с; McCauley Martin. The Soviet Union 1917-1991. 2nd ed. – New York: Taylor & Francis, 1993. 440 p.

Муаммони, аввало Ўзбекистон аҳолиси сонини аниқлашдан бошлайдиган бўлсак, 1926 йилда М. Ваҳобов ишида аҳоли 4 млн. 445.726 нафар⁹, И. Муллажонов, Ю. Вороновский, Т. Цепковскаялар изланишларида 4 млн. 660.000 киши¹⁰, 1964 йилги Ўз ССР Марказий статистика бошқармаси нашрида 4 млн. 460.000 нафар¹¹ ва 1971 йилги статистик тўпламда эса 4 млн. 660.000 нафар¹² сифатида келтирилади. Замонавий изланишларнинг айримларида бу рақам 4 млн. 447.500 нафар деб¹³, бошқаларида эса 4 млн. 609.377 нафар¹⁴, деб берилади.

Юқоридаги берилган рақамларга аниқлик киритиш мақсадида, архив ҳужжатлари орқали, 1926 йилда Ўзбекистон аҳолиси Тожикистон АССР билан биргаликда 5 млн. 274.998 нафарни ташкил этган ҳолда, Ўзбекистон ССР ҳудудида 4 млн. 447.555 нафар, Тожикистон АССР ҳудудида 827.443 нафар аҳоли яшаганлиги аниқланди¹⁵. Демак рақамлар ўртасида муайян фарқлар бор. Архив ҳужжатларида 1939 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижалари берилган бўлиб, унга кўра Ўзбекистонда жами 6 млн. 335.917 киши яшаган. Шундан шаҳар аҳолиси 1 млн. 469.847 нафарни, қишлоқ ҳудудида 4 млн. 866.070 нафар киши бўлган¹⁶. Бу маълумотлар айрим ишларда учрайдиган чалкашликларга аниқлик киритади.

1926 йилда Ўзбекистон ССРда 89 та миллат вакиллари яшаган бўлса¹⁷, 1939 йилга келиб уларнинг сони 94 тани ташкил этган¹⁸. Бундан кўринадики, ўтган 13 йил мобайнида республикада яшаётган миллатларнинг сони 5 тага кўпайган. 1926 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш натижаларида тилга олинган яғноблик, қалмиқлар ва қипчоқлар 1939 йилги рўйхат натижаларида эслатилмади. Аҳоли миллий таркибининг ўзгариши асосан, Россиядан сиёсий ва иқтисодий мақсадда кўчиб келган этник гуруҳлар ҳисобига кўпайган. Маълумотларга кўра, бу этник гуруҳларнинг асосий қисми 15 ёшдан 39 ёшгача бўлиб, улар кириб келган аҳолининг 62,9 фоизини ташкил қилган ҳолда тенг ярми рус миллатига мансуб бўлган. Русларнинг 1926 йилдаги аҳоли таркибидаги улуши 6,8 фоизни ташкил этган бўлса, 1939 йилга келиб эса бу кўрсаткич 11,5 фоизга кўтарилган¹⁹. 1926, 1939

⁹ Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. – Т.: Ўзбекистон ССР, 1960. – Б.394.

¹⁰ Мулладжанов И.Р., Вороновский Ю.В., Цепковская Т.С. Население Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1973. – С.14.

¹¹ Советский Узбекистан за 40 лет // Статистический сборник. – Т.: Узбекистан, 1964. – Б.11.

¹² Узбекистан за годы восьмой пятилетки (1966-1970 гг.) // Краткий статистический сборник. – Т.: Издательство ЦК КП Узбекистана, 1971. – С. 5.

¹³ Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. – Т.: Университет, 2004. – Б. 95.

¹⁴ Махкамова Н.Р. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX в.-30-е годы XX в.)... – Б.205.

¹⁵ ЎЗР МДА, Р 1619-фонд, 11- рўйхат, 53-иш, 2-варақ.

¹⁶ ЎЗР МДА, Р 1619-фонд, 5- рўйхат, 29-иш, 2-варақ.

¹⁷ ЎЗР МДА, Р 1619-фонд, 11- Рўйхат, 53- иш, 8-9 варақлар.

¹⁸ ЎЗР МДА, Р 1619-фонд, 11 -рўйхат, 710- иш, 1-2-3-4 варақлар.

¹⁹ Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность... - С. 101.

йиллардаги рўйхат оралиғида ўзбек миллатига мансуб аҳолининг умумий аҳоли сонидаги улуши 67,5 фоиздан 65 фоизга тушган.

XX асрнинг 20-йилларига келиб, совет жамияти тизимида аввалги ижтимоий тузилма тугатилиб, синфийлик мафкураси асосида янги ижтимоий тузилма шакллантириб борилди. Социализм қурилиши йўлида ҳал қилувчи куч сифатида айниқса, ишчилар синфининг ўрнига катта эътибор берилди. Шу боис, кўрилган чора-тадбирлар натижасида ишчилар сони муайян даражада ошиб борди. Тадқиқот давомида 1926, 1939 йиллар аҳоли рўйхатлари бўйича Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий таркибида миллий кадрларнинг ўрнига алоҳида аҳамият берилди. Чунки муҳим масалалардан бири бу маҳаллий кадрлар тайёрлаш муаммоси эди. Агарда 13 йил давомида, яъни, 1926-1939 йиллар орасида Ўзбекистонда ҳалқ хўжалигида хизмат қилаётган ишчилар сони 4 баробар ортган бўлса, бу кўрсаткич саноат соҳасида 11,3 баробарни ташкил қилди. 1926-1939 йиллар давомида Ўзбекистонда инженер кадрлар сони 7 баробарга ортган. 1926 йилга келиб иш билан банд бўлган аҳолининг сафида 3,5 фоизи ақлий меҳнат билан банд бўлган бўлса, 1939 йилга келиб Ўзбекистондаги аҳоли орасидаги ишчиларнинг 19,8 фоизи ақлий меҳнат билан банд эди.²⁰ Ўзбекистонда ишчи кадрларнинг сони ортиб бориши асосан четдан кириб келаётган тайёр ишчи кадрлар ҳисобига ўсди. Масалан, 1926 йилда Ўзбекистон ишчилари орасида ўзбеклар 50,4 фоизни ташкил қилган бўлса 1939 йилга келиб бу кўрсаткич 36,5 фоизга тушиб қолди. Бутун иттифоққа бўйсунувчи йирик саноат тармоқларида бу тафовут янада яққол кўзга ташланди. Бу ерда маҳаллий миллат ишчиларининг улуши 30 йиллар охирида 17,2 фоиздан ошмас эди. Техник зиёлилар орасида мазкур кўрсаткич 20 фоиздан камроқни ташкил этар эди²¹.

Совет ҳукуматининг ташаббуси билан Ўзбекистонга кўплаб миқдорда ишчиларнинг кўчириб келиниши муайян ижтимоий муаммоларни олиб келди, яъни республикада ишсизлар муаммоси пайдо бўлди. 1926 йилги аҳоли рўйхатга олиш вақтида Ўзбекистонда 15,3 минг ишсиз рўйхатга олинган бўлса, бу кўрсаткич 1928 йилга келиб икки баробардан зиёдга ортди ва 48 минг кишини ташкил этди²².

Ўзбекистон ССРда 1927-1939 йиллар давомида ишчиларнинг сони 630.000 минг кишига ортган. Ана шу ишчиларнинг орасида хотин-қизлар ҳам бор эди. Хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришда банд бўлиши фақатгина иқтисодий аҳамиятга эга бўлмай, балки ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эди. Агар 1926 йилда Ўзбекистон ҳалқ хўжалигида банд бўлган малакали ва малакасиз хотин-қиз ходимларнинг нисбати 1:2,9 бўлган бўлса, 1939 йилга келиб бу кўрсаткич 1:0,8 га тенг бўлди.²³ Совет ҳокимияти дастлабки

²⁰Ульмасов А. Узбекистан экономический рост и благосостояние населения. - Т.: Узбекистан, 1978. – С.37.

²¹Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларини ўзлаштирилиши. - Т.: Шарқ, 2001. - Б. 119.

²²Макамова Н.Р. Социальная структура общества на территории Узбекистана... - С. 133-134.

²³Махкамова Н.Р. Социальная структура общества на территории Узбекистана... - С. 18.

йилларда маҳаллий хотин-қизлардан ишчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, 1925 йилга келиб ЎзССР саноатида маҳаллий хотин-қизларнинг 6.600 нафари ишламоқда эди. Уларнинг сони 1929 йилга келиб 15 300 га етди.²⁴ Саноат учун хотин-қиз кадрларни тайёрлашда шойи тўқиш ва тикувчилик артеллари катта рол ўйнади. Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги хотин-қизлар клублари қошида ана шундай артеллар ташкил қилинди. 1928 йилда республикада 139 та артел бўлиб, уларда 8000 нафар маҳаллий хотин-қиз ишларди. 1927 йилда уюштирилган оммавий-сиёсий компания “Хужум”нинг маҳаллий хотин-қизларни саноат корхоналарида ишлашга жалб қилиши оқибатида, республика саноатида ишловчи ўзбек аёлларининг сони 1925 йилдан 1928 йилгача 3 баробардан зиёдга ортган. Тадқиқотларга кўра, 1926-1927 йилларда республика саноат корхоналарида ишлаётган ўзбек хотин-қизлари сони 8.692 нафар бўлса, 1928-1929 йиллар охирига келиб бу кўсаткич 17.525 нафарни ташкил этди.

Умумий назар солганда, 1939 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, зиёлилар орасида ўзбеклар 44 фоизни ташкил қилиб, жумладан, улар таълим ва медицина соҳаларида 63 фозни, бадиий фаолият билан шуғулланувчилар орасида 58 фоизни, техника соҳасида фаолият юритувчиларнинг 15 фоизини, илмий фаолият билан шуғулланувчиларнинг 10 фоизини ташкил қилган.

Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий таркибини ўрганиш жараёнида аҳолининг доимий иш билан таъминланиши ва уларнинг мавсумий ишлайдиган корхоналарда ишлаши катта аҳамият касб этади. Сабаби, Ўзбекистон жуда узоқ йиллар мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган давлатга айланиб қолган эди. Шунинг учун ҳам аҳолининг кўпчилик иш билан таъминланмаган қисмини мавсумий иш билан шуғулланиши оддий ҳолга айланган эди. 1939 йилги аҳоли рўйхатлари натижалари бўйича ўрганилаётган даврда Тошкент шаҳрига мавсумий ишларда ишлаш учун 74 170 киши келган²⁵.

Қорақалпоғистон АССР ҳудудида ҳам 1939 йили аҳоли рўйхатлари доирасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Аниқланишича, республиканинг марказий шаҳарларидан бири ҳисобланган Тўрткўл шаҳрига мавсумий ишларда ишлаш учун 4738, доимий ишларда ишлаш учун 4409 киши кириб келган. Бошқа ҳудудларда мавсумий ишларда ишлаш учун 2918 киши, доимий ишларда ишлаш учун 2869 киши чиқиб кетганлар²⁶.

Иккинчи жаҳон урушининг ЎзССР аҳолиси сони ва демографик ҳолатига таъсири анча сезиларли бўлган. 1939 йилги аҳоли рўйхати маълумотлари умумий аҳоли сонидан эркакларнинг аёллар сонига нисбатан ортиқлиги 195.467 кишини ташкил қилган бўлса, орадан йигирма йил ўтиб 1959 йилда умумий аҳоли сонидан эркаклар аёлларга нисбатан 324.350 кишига

²⁴ Каримов Р. Ўзбекистон социал-иқтисодий тараққиёти тарихидан. - Т.: Фан, 1981. - Б. 14.

²⁵ ЎзР МДА, Р 1619- фонд, 11- рўйхат, 715-иш, 1-варақ.

²⁶ ЎзР МДА, Р 1619- фонд, 11- рўйхат, 715-иш, 13- варақ.

камайди. Айниқса, 35-39, 40-44, 45-49 ёшли аҳоли орасида эркаклар сони камлиги кўзга ташланади. 1959 йилга келиб республикада туғилган 9 ёшгача бўлган болаларнинг ҳар мингтасини 509 нафарини ўғил болалар ташкил қилган бўлса, 10 ёшдан 19 ёшгача бўлган аҳоли ўртасида эса бу кўрсаткич 525:475 нафарга ўғил болаларнинг ортиқлиги билан кузатилган. Аммо, 35-39 ёшлилар орасида бунинг аксини кўриш мумкин. Ушбу ёшдаги аҳоли сониди 411:589 ни, 40-44 ёшдагиларда 400:600 ни, 45-49 ёшлиларда 436:564 ни, яъни, аёллар сонининг эркакларга нисбатан кўплиги билан ажралиб туради²⁷.

Уруш йилларида ташқи миграция ҳисобидан аҳоли сонининг ўсиши кузатилади, биргина 1941 йилнинг кузидан 1942 йилнинг декабригача Ўзбекистонга 786.866 киши эвакуация қилинган. 1940 йилдан 1971 йилгача бўлган вақт оралиғида Ўзбекистон аҳолиси 5881,4 кишига ортган бўлса шундан, аҳолининг табиий кўпайиши 4664,6, аҳоли миграцияси ҳисобидан кўпайиши эса 1216,8 минг кишини ташкил этган. Мухтасар қилиб айтганда, аҳоли сонининг кўпайишининг 79,3 фоизи табиий кўпайиш ҳисобидан 20,7 фоизи миграцион алоқалар ҳисобидан бўлган. Урушгача Ўзбекистонда яшайдиган миллатлар сони 90 дан ортиқни ташкил қилган бўлса, урушдан кейин уларнинг сони 120 дан ортиб кетган.

Уруш йилларида Ўзбекистон 200 мингдан ортиқ болаларни ўз қарамоғига олди ва уларни тарбиялади. Шу билан биргаликда уруш йилларида юртимизга корейслар, поляклар, немислар, курдлар, месхети турклари, чеченлар, ингушлар, болгарлар, юнонлар, қалмиқлар ва шулар қаторида қрим татарлари мажбурий равишда ўз яшаб турган жойларидан кўчирилиб келтирилди²⁸. Натижада, Ўзбекистон аҳолисининг сони кескин ортди ва миллий таркиб ҳам шунга яраша ўзгарди. Биргина 1941 йилнинг ноябрь ойига қадар Андижон вилоятига уруш ўчоқларидан 86.989 нафар эвакуация қилинган аҳоли жойлаштирилган ва бу кўрсаткич йил охирига қадар 100 минг кишига етиши режалаштирилган²⁹. Уруш Ўрта Осиё халқлари демографиясига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Минтақа аҳолиси 1940-йилларда 10 млн. 906 минг кишидан иборат бўлган бўлса, 1945 йилга келиб 8 млн. 928 минг кишига тушиб қолди, яъни, 1 млн. 978 минг кишига қисқарди.³⁰ Ана шу йўқотишларни Ўзбекистон мисолида қарайдиган бўлсак, урушга кетган 1 млн. 433.230 кишидан 263.005 киши ҳалок бўлди, 132.670 киши бедарак йўқолди ва 60.452 киши урушдан ногирон бўлиб қайтдилар³¹.

Уруш йилларида Ўзбекистон марказнинг асосий саноат ва озиқ-овқат етиштириб берувчи базасига айланди. Бундан ташқари, бу ерга кўплаб миқдорда аҳоли кўчириб келтирилди. Эвакуация қилинган халқлар ва зўрлаб

²⁷ Каримов Р. Ўзбекистон социал-иқтисодий тараққиёти тарихидан. - Т.: Фан, 1981. - Б. 40.

²⁸ Жўраев Н., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. - Т.: Шарқ, 2011. - Б.509.

²⁹ ЎзР МДА, 314 -фонд, 1- рўйхат, 56- иш, 1- варақ.

³⁰ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар. 3- жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 80.

³¹ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи (Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида). Учинчи китоб. – Т.: Шарқ, 2016. - Б-345.

кўчирилган аҳолилар ўз бошларига тушган барча кулфатлар, бекиёс даражадаги оғирлик ва қийинчиликларни ўзбек халқининг беғараз ёрдами туфайли енгиб ўтдилар.

Учинчи боб “XX асрнинг 50-90 йиллар бошларида Ўзбекистон аҳолиси: миллий ўсиш, ижтимоий ўзгаришлар ва муаммолар” деб номланган бобда 1959, 1970 йиллар Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатларида Ўзбекистон аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркиби, 1979, 1989 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш натижалари: миллий ва ижтимоий ўзгаришлар ва 1970-80 йилларида Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳаётида юзага келган муаммолар таҳлил қилинган.

